

**Куннинг  
муҳим  
воқеалари**



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Шу йилнинг 12 августда «Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



Кенг қўламли реконструкциядан сўнг, фойдаланишга топширилган Андижон аэропортида 12 август куни биринчи халқаро рейс амалга оширилди.



«Ўзбекиқасаноат» уюшмасида Хитойнинг Халқаро иқтисодий ва технологик ҳамкорлик маркази делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда ипакчилик саноатини ривожлантириш ва икки томонлама ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Қайд этилишича, мамлакатимиз Халқаро ипак тармоғига аъзо бўлди.



Солиқ қўмитаси Раиси Ш.Кудбиев Бухоро вилоятида иссиқхона хўжалиқлари фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти вакиллари билан учрашди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро ва Хоразм вилоятларида иссиқхона хўжалиғи фаолияти билан шуғулланувчи 200 га яқин тадбиркорлик субъекти вакиллари қатнашди.

«Худудгазтаъминот» АЖ суволирилган газ етказиб беришда Face ID тизимини ишга туширди. Ҳозирги кунда янги тизим Сурхондарё вилоятида босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Нукусда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган «Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари» спорт мусобақаларининг 2-босқичи очилиш маросими бўлиб ўтди.

**2025-yil  
14-avgust  
payshanba  
№100  
(5164)**

# Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqra boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри



## КАТТА ИШОНЧ ВА ЗАЛВОРЛИ МАСЪУЛИЯТ

Тармоқ касба уюшмаларининг Қурултойлари бўлиб ўтмоқда

2-саҳиғада ўқинг...

«ISHONCH»GA JAVOB BERADILAR



«Ishonch» газетасининг 2025 йил 26 июлдаги сонида «Қоғозда бор, амалда эса...» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, масъуллар ҳукмига ҳавола этилган эди. Унга «Hududgazta'minot» АЖдан куйидаги мазмунда жавоб келди:

### ҲИСОБЛАГИЧ ГАЗ ҚУВУРИГА ЎРНАТИЛГАН

Вазирлар Маҳкамасининг 430-сонли қарорига асосан марказлашган иссиқлик таъминотиға уланган ҳамда табиий газ истеъмоли юқори бўлмаган кўпқаватли уйларда электрон газ ҳисоблагичлар ушбу уйларнинг кириш қисмидаги умумий газ қувурига ўрнатилиши белгиланган бўлиб, унинг ижроси таъминлангани маълум қиламиз.

Шунингдек, ушбу муносабат юзасидан «Hududgaz Roytaxt» газ таъминоти филиали расмий муносабат билдириб, уни ўзининг расмий телеграм саҳифасида эълон қилган.

«Hududgazta'minot» АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари М.ЯКУБОВ



КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

### ХОДИМ ЎЗ ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНАДИ

Фарғона шаҳри солиқ инспекциясида катта инспектор лавозимида ишлаб келган Дадахон Абдуҳалиқов вилоят солиқ бошқармасининг 2025 йил март ойидаги тегишли буйруғиға биноан ишдан бўшатилади.

Бундан норози бўлган ходим Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашиға арз қилди. Муружаат асосида олиб борилган ўрганишлар чоғида иш берувчи ўзаро тузилган шартномани бекор қилишда меҳнат қончилиғи талабларини бажармагани ойдинлашди.

Фуқаронинг қонуний ҳуқуқларини тиклашни сўраб, судға даъво-ариза киритдик. Судда иш берувчининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини асослаб бердик. Суд шикоятни тўлиқ қаноатландирди. Яъни Дадахон Абдуҳалиқов ўз вазифасиға тикланадиган ва бекор юрган кунлари учун иш берувчидан унинг фойдасиға 27 миллион 572 минг сўм ундириладиған бўлди.

Мансуржон УСМОНОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юристконсульт



3

БУГУНГИ  
КУН ЖАДИДИ  
ҚАНДАЙ БЎЛИШИ  
КЕРАК?

Куйидаги QR кодни сканер қилинг ва мавзуга доир видеоларға билан танишинг:

«Ishonch»нинг YouTube каналида кўринг!



ИСТЕЪМОЛ  
МАДАНИЯТИ —  
МАДАНИЙ  
САВИЯМИЗ  
ИНЪИКОСИМИ?



ЭЗГУЛИК  
ЭЛЧИСИ

4



www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz

facebook.com/ishonchofficial.uz

https://t.me/ishonchuz\_official

# КАТТА ИШОНЧ ВА ЗАЛВОРЛИ МАСЪУЛИЯТ

Тармоқ касба уюшмаларининг Қурултойлари бўлиб ўтмоқда



## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН, ЭЛ-ЮРТ БАХТИ УЧУН!

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг X Қурултойи бўлиб ўтди.

Бугунги кунда мамлакатимизда малакали тиббий хизмат тизимини яратиш давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан бири саналиб, тиббиёт халқ билан давлат ўртасидаги кўприк сифатида қўрилмоқда. Бунинг ҳаммаси амалда қўриб-билиб турибмиз.

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз соҳа ривожини учун бутун куч-қуввати ва имкониятларини аямаяптилар. Ҳар қандай янги тақлифларни қўллаб-қувватлаб, халқ тиббиётдан рози бўлиши учун барча имкониятларни ишга соляптилар.

Ушбу фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг X Қурултойида яна бир бор таъкидланди.

Қурултойда кун тартибидagi қатор масалалар муҳокама қилинди. Дастлаб тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханания-

евнинг ҳисоботи тинланди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан қадимлар қўйилди. Кун сайин ютуқларимиз ортиб, минтақамиз ва бутун жаҳонда дўстларимиз, ҳамкорларимиз кўпайиб бормоқда. Мухтасар айтганда, ҳар бир ислоҳотимиз «Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун!» деган эзгу ғоя асосида амалга оширилмоқда.

Мана шу ишларда касба уюшмаларининг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор. Хусусан, саъй-ҳаракатлар натижасида тармоқ касба уюшмаси аъзолари сони 225 минг 647 нафарга кўпайиб, умумий 969 минг 30 нафарга етди. Ҳисобот даврида ижтимоий шериклар билан ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, қонун ва қонуности ҳужжатларда белгиланганидан кўра кўпроқ имтиёз ва кафолатлар берилишига эришиш мақсадида тармоқ жамоа келишувлари

ва ва шартномалари тузилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнат инспекцияси томонидан 502 минг 763 нафар ходимнинг ҳақ-хўқуқлари тикланиб, улар фойдасига 172 миллиард 301 миллион 279 минг сўм маблағ ундириб берилди. Тармоқ касба уюшмаси хизматидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига риоя этилиши доирасида муносиб иш ҳақи ва иш вақтига риоя этилиши бўйича жамоатчилик назорати олиб борилди. Натижада 444 минг 37 нафар ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишига, улар фойдасига 91 миллиард 861 миллион сўм маблағ ундирилишига эришилди. Шунингдек, 5 минг 906 та мурожаат ўрганилиб, 55 минг 879 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига 77 миллиард 84 миллион сўм маблағ ундириб берилган.

Қурултойда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Элмира Боситхонова, тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кафедра мудири Дамин Асадов, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши раиси Феруза Раҳимова ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳисобот давридаги фаолият бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Фарҳоджон Хананияев Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси, Гузал Тўхтаева эса унинг ўринбосари этиб сайланди.

Албатта, бу катта ишонч ва масъулиятдир. Делегатлар уларни қутлар экан, келгусидаги вазифалар ижросида касба уюшмасига янада мустақам қанот бўлишларини таъкидлашди.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА,  
Эъзоза УМУРЗОҚОВА (фото),  
«Ishonch» мухбирлари

## САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Федерациянинг малака ошириш институтида  
Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари  
ходимлари касба уюшмасининг VIII Қурултойи бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қўлланма ва тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада барча соҳаларда катта ўзгаришларга эришилмоқда. Мана шу изчил ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти бўлмиш касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Қурултойда дастлаб, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмасининг «2020-2025 йиллардаги фаолияти ва «Ўзбекистон – 2030» стратегияси асосида миллий тараққиётнинг янги босқичида касба уюшмаларининг устувор вазифалари тўғрисида»ги ҳисоботи маъруза шаклида делегатлар ҳамда меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Талъат Усмоновнинг маърузаси тинланди.

Маърузада қайд этилишича, ҳисобот даврида Республика кенгашига 129 та мурожаат келиб тушган ва уларнинг 80 фоизи қаноатлантирилган, 20 фоизга эса тушунтиришлар берилган. Кенгашнинг бевосита кўмаги билан 12 нафар ходимнинг (мурожаатлар бўйича) ҳақ-хўқуқлари тикланиб, улар фойдасига



меҳнат муҳофазаси бўйича ҳолатлар ўрганилди. Натижада мазкур йўналишга оид қонун, қоида ва меъёрлар бузилиши бўйича 1055 та ҳолат аниқланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан иш бевувиларга 105 та тақдимнома киритилиб, уларда камчиликлар кўрсатилган бандлар сони 1260 тани ташкил этди. Тақдимномада қайд

корхона ва ташкилотларда маданий-маърифий тадбирлар режалари ривожига ўтказиб келинди. Тадбирлар доирасида кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, талабалар ва ўқувчиларга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, жамоа шартномасидаги ёшларга тегишли бандлар ижросини таъминлаш мақсадида 8444 нафар ёш аъзога амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Республика кенгаши ташаббуси билан жойларда спорт мусобақалари ва «Заковат» интеллектуал ўйинини ўтказиш аъёнага айланди.

Ҳисобот даврида 45246 нафар бола ёзи мавсумда соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб, соғлигини мустақамлади.

Халқаро ҳамкорлик борасидаги фаолият ҳам самарали бўлди. Ҳисобот даврида турдош касба уюшмалари билан алоқалар йўлга қўйилди. Хусусан, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Беларусь давлатларининг турдош касба уюшмалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Халқаро тоғ-кон ва металлургия саноати ходимлари касба уюшмалари бирлашмаси аъзоликка қабул қилинди.

Қурултойда тармоқ касба уюшмаси ташкилотларининг барча йўналишлардаги кенг қамровли фаолияти, эришилган залворли натижалар ва шу билан бирга, мавжуд муаммолар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Келгусидаги фаолият учун устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Қизгин муҳокамадан сўнг, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ўтган ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланди. Сўзга чиққан делегатлар эришилган ютуқларни алоҳида қайд этишди.

Қурултойда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, кенгаш раиси ва раис ўринбосарлари муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Унга кўра, Талъат Усмонов наватдаги мuddат учун кенгаш раиси, Шоикром Исроилов ва Баҳодир Султонов эса унинг ўринбосарлари лавозимларига сайланишди. Шунингдек, Қурултойда тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши, Ижроия қўмитаси ва Тафтиш комиссияси аъзолари, Тафтиш комиссияси раиси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси IX Қурултойига делегатлар ва Федерация Бош кенгашига вакиллар ҳам сайланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари касба уюшмасининг VIII Қурултойи ҳар жиҳатдан кўтаринки, қизгин ва ташаббускорлик руҳида ўтди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,  
Дийёрбек ҒАНИЕВ (фото),  
«Ishonch» мухбирлари



жами 156 миллион сўм миқдордаги иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундирилган.

Агар 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, тармоқ бўйича бошланғич касба уюшма ташкилотлари сони 238 тани ва аъзолар 66 минг 873 нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 январьдаги ҳолат бўйича бошланғич касба уюшма ташкилотлари сони 369 тага, аъзолар сони эса 112 минг 778 нафарга етган. Ҳисобот даврида аъзолар сони 69 фоизга ўсган.

2020 йилда Тармоқ касба уюшмаси тизимидаги ташкилотлардан 248 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлса, 2025 йилда 369 та ташкилот жамоа шартномалари билан қамраб олинган.

2020 йилда давлат дастурига киритилган тадбирлар ижросини таъминлаш учун жамоа келишувлари ва шартномалари орқали иш бевувилар томонидан жами 7,5 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, 2024 йилда иш бевувилар бу йўналишга 34 миллиард сўм маблағ сарфлашган.

Ҳисобот даврида ходимлар ва касба уюшмалари фаоллари учун 13 мартаба ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уларда бошланғич ташкилотлар раислари, ҳисобчилар ҳамда ёшлар етакчиларидан 325 нафарининг малакаси оширилган.

Тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазаси учун 2021 йилда 40 миллиард сўм сарфланган бўлса, 2024 йилда ажратилган маблағ миқдори 52 миллиард сўмга етди. Албатта, бу рақамлар тизимда меҳнат муҳофазасига бўлган эътибор кучайиб бораётганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳисобот даврида 129 та корхонада



этилган камчиликларнинг 1197 таси касба уюшмалари аралашуви билан бартараф этилди. 79 та бошланғич ташкилотда меҳнат қонунчилиги бўйича семинарлар ўтказилди.

Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида янги ташкил этилган қатор корхоналарда касба уюшмалари ташкил этиш борасида иш бевувилар билан мулоқотлар олиб борилди.

Утган 5 йил мобайнида 131 та бошланғич ташкилот, 221 та цех ташкилоти ва уларда меҳнат қилаётган 45905 нафар ишчи-ходимнинг тармоқ касба уюшмасига аъзоликка қабул қилинишига эришилди.

Ҳисобот даврида тизимдаги барча



МУЛОҲАЗА

# ИСТЕЪМОЛ

# Маданияти

# Маданий савиямиз

# Инъикосими?



**Бугун дунёда «истеъмол маданияти» деган тушунча бот-бот янграяпти. Маънавият ва мафкура санаот даражасига чиқаётган ҳозирги даврда истеъмол маданиятини инсон маданий савиясининг асосий қисми сифатида шакллантириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.**

**Ҳўш, истеъмол маданияти нима ўзи? Истеъмолнинг ўзи-чи? Улар эҳтиёжларимизни қондириш маҳсули холосми?**

Бундай саволлар истеъмол маҳсулотлари турлари ва шакллари кўпайиб, номоддий эҳтиёжлар тури ва ҳажми кенгайиб бораётган бир вазиятда тез-тез янграмоқда. Масалан, сиз бугун газетани ушбу мақолани ўқиясиз. Демак, бунга эҳтиёжингиз бор ва шу туфайли бу ерда келтирилган маълумотлар ва фикрларни том маънода истеъмол қилаясиз. Бу ерда эҳтиёж ва истеъмол феномени юзма-юз бўляпти.

**ҲЕЧ УЙЛАБ КЎРГАНМИСИЗ: БУГУН СИЗ НИМАЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛДИНГИЗ? УЛАРНИНГ ҲАММАСИ ЭҲТИЁЖИНГИЗ ДИРАСЦИДАМИДИ? ИҚТИСОДИЁТДА «ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ» ДЕГАН ТУШУНЧА БОР. МАЙЛИ, БИЗ УНИ СИЗ УЧУН ДАСТУРХОН, ДЕБ АТАЙЛИК ВА УНГА НАЗАР СОЛАЙЛИК. АЛБАТТА, КЎПЧИЛИК БУ ДАСТУРХОНГА БИРИНЧИ БЎЛИБ МОДДИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚЎЯДИ: ОЗИҚ-ОВҚАТ, КИЙИМ-КЕЧАК... БУНДАН ТАШҚАРИ, ТИББИЁТ, САРТАРОШ ЭКИ БОШҚА МАЙШИЙ СОҲАЛАР ХИЗМАТЛАРИ...**

Энди дастурхонингизга функционал истеъмол товарларини қўямиз: қўлайлик ва комфортни истайсиз, яъни овқатни чиroyли ликопчага солиб ейишни хоҳлайсиз. Нонингизнинг хаамири қаймоқ билан қорилган, кийимингиз қимматбахў бўлса, яна яхши. Хушбўй атир ҳам зарар қилмайди. Киришгизни, идишингизни машина ювгани маъқул. Бундан ташқари, замонавий қўлайликлар бор телефон олишингиз керак. Хуллас, уларнинг қай биридан фойдаланган бўлсангиз, ўшани дастурхонга киритамиз. Фанда фан-техника ютуқлари билан боғлиқ маҳсулотлар ҳам истеъмолнинг шу турига киритилади.

Бугун ишдан ҳориб қайтингиз. Қайси мусиқани эшитингиз ё қайси фильмини кўрингиз келди? Ахир улар ҳам санъат шинавандаларининг истеъмоли учун ишлаб чиқарилади. Худди новвой ўз мижозларининг таъб ва талабларга қараб нон ёлгани каби. Бундай эмоционал истеъмол турларига ҳам эҳтиёж банд. Масалан, ёш фарзандингиз бир нарсани баҳона қи-

либ хархаша қилиб турибди, сиз уни меҳр билан эркалаб, кучиб қўйдингиз ва у овуниб, яна ўйнаб кетди: у сизнинг меҳрингизни истеъмол қилди, чунки шунга эҳтиёж бор эди...

Ҳамкасбингиз тушқун кайфиятда ишга келган, ишлашга ҳам, биров билан сўзлашишга ҳам хуши йўқ. Ҳатто тушлик пайти ҳам очилмади. Сиз нима бўлганини сўрайсиз. Агар яқин олса ёки «тўлиб турган» бўлса, дардини тўкиб-солади. Эҳтимол, оиласида яқин инсонни касалдир ёки иши юришмаётгандир, балки бирор соҳада адолатсизликка учрагандир. Хуллас, унинг икки оғиз ширин сўзга, юпанчга, бошқача айтганда, эътиборга эҳтиёжи бор. Сиз уни, ҳаммаси яхши бўлади, деб юпатайсиз. Узи яхшиликларга лойиқ инсон эканлигини уқтирасиз ва у сизнинг эътиборингизни, оқибатингизни истеъмол қилади. Унинг дастурхонига ҳам мана шу маҳсулотлар – меҳр-оқибат ва эътибор тушади.

Истеъмолнинг барча турига бир-бир тўхталиб ўтмоқчи эмасман, бироқ ғоявий истеъмол ҳақида сўзлаш долзарб масаладир. Ахир бугун нафақат инсонни, балки дунёни ғоялар бошқармоқда. Аслида инсоният ҳеч қачон ғоясиз яшамаган: тафаккур бор экан, ғоя ҳам туғилади ва кишини ўз йўналиши бўйича фаолиятга ундайди. Инсон шахсий эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол дастурхонини ёзар экан, унга маҳсулотларни ўзи эргашган ғоя асосида ҳам танлаши мумкин. Айтайлик, сиз ҳайвонларни ўлдирини жиноят, деб ҳисоблайсиз ва ана шу ғоянгиз туфайли уларнинг гўштини истеъмол қилишдан воз кечиб, вегетарианга айланасиз. Сизнинг бирламчи маҳсулотларингизда гўштилик товарлар «иштирок этмайди».

Бу истеъмол турига айрим радикал ғояларга эргашганлар истеъмолини ҳам киритиш мумкин. Масалан, янгиликни залолат, деб билувчилар телевизорни истеъмол товарлари сафидан чиқариб ташлашлари мумкин.

**ДАСТУРХОНИМИЗДА МЕЪЁР ЧЕГАРАЛАРИДАН КАМ ЕКИ КЎП МАҲСУЛОТЛАР ҲАМ ТЎПЛАНИШИ МУМКИН ЭКАН. АЙТАЙЛИК, БИЗ КУНЛИК ИСТЕЪМОЛНИ ҲАДДАН ОШИРИБ ҚОРИШИМИЗ МУМКИН. БУНИ ЗИЁФАТЛАРУ, МЕҲМОНДОРЧИЛИК МИСОЛИДА КЎРСАК БЎЛАДИ. ДЕМАК, ИСТЕЪМОЛ ТУРЛАРИДАГИ ТАНЛОВИМИЗ ВА УЛАРНИНГ МЕЪЁРЛАРИ МАДАНИЙ САВИЯМИЗГА БОҒЛИҚ.**

Умуман олганда, бугунги кунда истеъмол қайсидир товари эҳтиёжни қондириш мақсадида сотиб олиш ва ўзлаштириш билангина ифодаланмайди, балки мулоқотнинг маълум шакли ҳисобланиб, барча товарлар ва хабарларнинг виртуал яхлитлигини намоён қилади. Фараз қилинг, истеъмол турларининг барча-

сига озуқа бўлувчи товар ва маҳсулотларнинг оммавий бозори мавжуд бўлиб, бу бозорда бирламчи ва иккиламчи маҳсулотлар, моддий ва маънавий товарлар, оммавий маданият маҳсулотларидан тортиб, медиамаҳсулотларнинг барча тури, кино санаоти, янги технологиялар маҳсулотлари ва бошқалар жамланади. Негаки, эҳтиёж чексиз, моддий ресурслар эса чегараланган. Инсон эҳтиёжи эса ўсгандан ўсиб бораёпти. Ана шу бозордан мазмун ва моҳиятига қараб, моддий неъмат ва маҳсулотлар истеъмолини асосий мақсад сифатида белгиламай ва бирламчи ўринга қўймай, уларни ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондириш ва ўзини шахс сифатида намоён қилишнинг воситаси сифатида танлаб олиши – инсоннинг истеъмол маданиятидан келиб чиқади.

**ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИДА ЭСА ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН МУАЙЯН ШАКЛГА СОЛИНГАН, ТОВАР-МАҲСУЛОТЛАР ҲАМДА ХИЗМАТЛАРНИ СОТИБ ОЛИБ, ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШДАГИ ЎЛЧАМ ВА МУНОСАБАТЛАРНИ, ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРНИ ТАРТИБЛАШТИРУВЧИ МЕЪЁРЛАР, ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ АКС ЭТАДИ. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, ИСТЕЪМОЛНИНГ МАЪНАВИЙ ЮЗИ НАМОЁН БЎЛАДИ.**

Халқимизнинг гўзал ибратларида, нақлларида азалий истеъмол маданиятини кўриш мумкин. Яъни халқда «кувол», «исроф» деган тушунча бор. Аждодларимиз ноз-неъматларни увол қилмаслик, бировнинг меҳнати ва хизмати ҳурмат қилиш, еяётган таомини ёмонлашмаслик каби ибратлар билан истеъмолнинг шарқона маданиятини шакллантириб, фарзандларини болалиқдан тарбиялаб келган. Шу билан бирга, «Издат топай десанг-кўп дема, сихат топай десанг-кўп ема», «Сўз увולי – калтабинлик, нон увולי – қаҳатчилик» каби мақолларни бот-бот таъкидлаб, нафақат моддий, балки маънавий неъматлар истеъмолда ҳам меъёрни сақлаш лозимлиги уқтирилган. Сув ва нонга нисбатан авлодларда азизлик туйғусини шакллантирилган. Шунингдек, хизмат истеъмоли ва шарқона истеъмол хулқидан ҳам сабоқ берилган.

Хулоса шуки, бугун дунё лаззатларига берилиб, молу мулкка, иззат-икромга ҳирс қўйиш, тўй-маъракаларда исрофгарчилик қилиш, оммавий маданият ортидан қувиш, ортиқ ўч бўлиш орқали шарқона истеъмол маданиятининг бузилишига йўл қўймаслик лозим.

**Гулноза НУРТОЕВА,**  
*Жиззах вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бўлашмаси раиси*

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

**Кенг ҳовли. Кириб келарканман, каттагина гулзор диққатимни тортиди. Гуллар жони дилим. Шунданми, дилим равшанлашди. Олтириқ тумани «Ғаффоржон нурли келажоғи» фермер хўжалиги раҳбари Орзухон Нурбоевани излаб борганимда ана шундай гўзаллик устидан чиқдим. Қучоқ очиб кутиб олиб, гулзор ора-лаб уйга бошларкан, Лола Муродованинг шоғирдларидан бўлган Орзухон билан суҳбатимиз ўзани ўз-ўзидан опага бурилди:**



# ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

– Ўзбекистон Қаҳрамони, «Нурли-обод» фермер хўжалиги раҳбари, халқимиз кўнглидан чуқур жой олган фидойи инсон Лола Муродова ёшлигимдан ҳавас қилардим. Опа кўчамиздан «Дамас» ҳайдаб ўтарди. Меҳнати туфайли элда азиз бўлган аёл у, менга ҳам шундай бахт насиб этса, деб орзу қилардим. Табарруқ устознинг суҳбати ва ўғитларини олганимдан бениҳоя хурсанд бўлман. Лола опа Муродова номидаги қишлоқ хўжалиги иختисослашган техникумда ҳозир юзлаб ёшлар билим олиб, тадбиркорликни йўлга қўйган.

Ўзидан яхши ном қолдирган, ҳалол ва фидокорона меҳнатлари эвазига юксак натижаларга эришган Лола Муродова тимсолида тўла-тўқис шаклланган меҳнаткаш ўзбек аёлининг сиймоси авлодлар хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Биз Лолахон опадек бўлишни орзу қилиб, режаларимизни бирин-кетин амалга оширяпмиз. Худо хоҳласа, сутни қайта ишлаш корхонаси қуришни, даромадларимиздан худудимиз йўлларини асфальтлашни мақсад қилганимиз.

Ўзига яраша кўптармоқли хўжалик ташкил этишни кўзлаган Орзухон етти йил олдин Германиядан 32 бош наслик қорамол олиб келганидан сўзлайди. Бугун хўжаликдаги қорамоллар сони 100 бошдан ошган, сигирлардан ҳар кунни 1000 литр сут соғиб олиними, харидорлар кўпчилигини айтади. Иссиқхона қуриш ҳам режасида борлигига ҳаяжон билан тўхталади. Ўн икки йил олдин фермер хўжалиги ташкил қилиб, бу ерларга келганида шўр қоплаб ётгани, энди эса серунум жойга айлангани, аслида ердан осонликча ҳосил олиб бўлмаслиги, йил – ўн икки ой у билан тиллашиш кераклигини, меҳр берса, пешона тери тўкса, ер юз чандон қилиб қайтаришини таъкидлайди.

– Оилада ўч нафар фарзанд эдик: мен ва икки акам, – дея сўзига давом этади Орзухон. – Отам колхозда механизатор бўлиб ишларди. Баъзида мен ҳам тракторга миниб олиб, пахтазорларда отам билан бирга бўлардим. Онам эса далада ошлаб эди. Дала шийони бола-ларга тўла бўлиб, бирга уйнардик.

Дўстларим Рўзғул, Раҳиммахон билан мактабга биринчи синфга қатнай боладим. Қўнларнинг бирида синфимизга бир қариндошимиз мени олиб кетгани кириб келди. Билсам, отам вафот этган экан. Шу кундан болалигим кемтик бўлди.

Онам кўнглимизга қараб, оқ ювиб, оқ тараб, бизни катта қилди. Бир ўзи тинимсиз ишларди. Далада гектарлаб пахта чопар, кечаси чеварлик қилиб келинлик либосларини тикарди. Хуллас, бизни ҳеч кимдан кам қилмай ўстирди. Катта акамни враччиликка ўқитди.

Мен ҳам катта бўлиб онамга дала ва рўзгор ишларида қарашиб, қўйлаб тика бошладим. Онам мени маргилонлик хунарманд Турсуноя опага келинчақларнинг зар нимчасига кашта босгани шоғирдликка берди. Орада шим тикишни ўргандим. Маҳаллада донни кетган че-

варларга айланиб, кўплаб шоғирд қиз-ларга хунар ўргатдик.

Онам мени далада бирга ишлаган дўстнинг ўғлига турмушга берди. Келинлик либосини кийиб, оппоқ қўйлақда ўзга хонадонга келдим. Турмуш ўртоғим Ҳуснидин Нурбоев пахтани қайта ишлаш заводида ишларди. Ўғилли бўлдик. Исмини Файзуллоҳ деб қўйдик. У ҳаётимизга фазил келтирди. Бир ёшга кирганида янги хўжаликни ишсиз қолди. Ноҳорликдан чет давлатга ишга кетди. Уйимизга иссиқхона қилиб берган, тўрт-бешта молимиз бор эди. Шуларга қараб тирикчилигимизни қилар эдим. Орадан тўрт йил ўтди. Фарзандларим ҳам отасини соғинган, қани эди ёнимда бўлса, бирга меҳнат қилсак, деб Аллоҳдан сўрардим.

Турмуш ўртоғи юртга қайтган фермерлик қилиш ниятида тендерда 60 гектар ер ютиб олишди. Дастваб осон бўлмади. Далани ажриқ, тикандан тозалашди. Тинимсиз ишлашди. Вақти келиб даромад кўпайиб, керакли техникаларни сотиб ола бошладим. Дала атрофига турли қўчалар экиб, боғ қилишди.

Орадан орада қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича олий таълим дипломинини олди. Катта ўғли ҳам она изидан кетиб, олийгоҳда таҳсил олмақда, кичиги ҳам шу ниятда ўқишга кириш ҳаракатида.

– Пахта, галла, пилладан мўл ҳосил олиб, режани ортиги билан удаллаб келаямиз. Чорвачиликни ҳам ривожлантиряпмиз. Ҳали ниятларимиз кўп. Фарзандларим ишимни давом эттириб, сархил мевалар етиштириб, халқимиз дастурхонига улашмиш ҳаракатида, – дейди Орзухон. – Олтин олма дуо ол, дейишади. Бунда ҳикмат кўп экан. Ҳар бир бошлаган ишимиз қайно-қайнонамнинг дуолари билан ривож топяпти, деб уйлайман. Хўжалигимга «Келинимни хафа қилганингни кўрмайлик, у бизнинг «тилло» қизимиз, биласан-а?», дейишади. Бу гаплар кимга ёқмайди дейсиз. Бўш вақт толдим дегунча, уларни кўргани чопаман.

Чин дилдан қилинган меҳнат ўз самарасини бермай қолмайди. 2022 йилда орзулари осмон Орзухон «Тадбиркор аёл» халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ўтказилган кўрик-танловда «Энг яхши фермер» номинациясида биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Яхшиликни хушсўратли кишилардан кутинг, дейишади. Қалби гўзалнинг амали ҳам аъло. Орзухон маҳалла бола-ларини тез-тез ширинликлар билан сийлаб, китоблар тарқатади. Уларни хурсанд қилиб, кўнгли қувнайди.

Хайрлашиб ортимга қайтар эканман кўнглимдан шундай йў ўтди: «Халқимиз чинакамига бахтли. Сабаби, орамизда Орзухон каби эзгулик элчилари бор».

**Комила БОЙМУРОДОВА**  
*«ISHONCH»*

**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!**



**Абдулахат Абдурашидов ижросида «ЧЎЛИ ИРОҚ» куйи**

**Эълон**  
«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LARI» акциядорлик жамияти томонидан 2022 йилда Турсунбаев Муродбек номига берилган электровоз бошқариш ҳуқуқини берувчи права йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда вилоятдаги барча тармоқ қасаба уюшмалари кенгашлари Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Нуробод тумани кенгаши раиси Эркин Абдусаломовга акаси **Абдуқаюм Нишонвич Абдусаломов** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:  
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEYAN (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)  
Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73  
Hududlardagi muxbirlar:  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV  
Musahihilar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA  
Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV  
Boisishga topshirish vaqti – 21:30  
Topshirildi – 22:00  
Bahosi kelishilgan narxda  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch 1991@yandex.uz  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bostmaxona mas'ul.  
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilaylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 076 ta  
Shundan: 6 079 nusxasi  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bostmaxonasi –  
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;  
18 116 nusxasi  
«Eruditi» MCHJ bostmaxonasi –  
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;  
7 881 nusxasi  
«Poligraf-Press» MCHJ bostmaxonasi –  
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811  
1 3 4 5 6